XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QAROR

2023 - yil 29 - sentabr VI-58-120-3-45-K/23 G‘allaorol tumani hokimligi

Туман ҳокимлигига маблағ ажратиш тўғрисида

Туман ҳокимлигининг судда иштирок этиши билан боғлиқ барча харажатларини қоплаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5, 6 - моддаларига асосан халқ депутатлари туман Кенгаши

қ а р о р қ и л а д и:

1. Туман иқтисодиёт ва молия бўлими (М.Турдимуродов)га туман маҳаллий бюджетининг 2023 йилда “E-IJRO AUKSION” электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан тушган тушумлар ҳисобидан 16 700,0 (ўн олти миллион етти юз) минг сўм маблағни туман ҳокимлигига ажратиш вазифаси юклатилсин.

2. Туман ҳокимлиги (Х.Жўраев)га маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш вазифаси топширилсин.

3. Туман ғазначилик хизмати бўлинмаси (Б.Саттаров) маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағларни тегишли ташкилотлар ҳисоб рақамига ўз вақтида молиялаштиришни таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Қўчқоров зиммаларига юклатилсин.

Kengash raisi **Ж.Оқбоев**